БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 237 (18.115). • 14 октябрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

ҲАММАНИНГ ЎРНИ — ПАХТАЗОРДА!

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча коммунистлари ва комсомолларига, колхозчилари ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалик механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, «оқ олтин» ҳосили йиғим-теримида жуда актив қатнашишга, пахта далаларида икки карра, уч карра зўр ғайрат билан меҳнат қилишга даъват этадилар.

(Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ҲАР ФАСЛНИНГ ўз гашти, ўз латофати бор. Лекин бизнинг пахтакор днёримизда ҳар бир фаслнинг гашти ва латофати ила ўз қийинчилиги ва машаққатлари ҳам бор. Буни деҳқонлар ва, айниқса, пахтакорлар кўп кўришган. Баҳор ҳам, ёз ҳам ва, ниҳоят, куз ҳам уни ҳаммша синаб, имтиҳон қилиб келади.

Бу йил ўзбек пахтакори ҳар қачонгидан ҳам жиддий имтиҳондан ўтмоқда. Баҳорда ва ёзда об-ҳаво ноқулай келганлиги оқибатида катта-катта майдонларда чигит бир неча марта қайта экилди. Етарли миқдордаги ҳароратдан баҳра ололмаган ғўзалар ривожланишдан анча орқада қолиб, кўлгина жойларда пахтанинг очилиши кечикиб кетди.

Лекин бундай қийинчиликлар илгари ҳам ва бу йил ҳам пахтакорнинг руҳини туширган эмас, аксинча уни жонажон Коммунистик партия олдидаги, Ватан олдидаги, совет халқи олдидаги ўз интернационал бурчини оқлаш учун янада қатъият билан курашга отлантирди, уни юксак «оқ олтин» хирмони яратиш йўлида тағин ҳам чайир қилиб қўйди.

Шу кеча-кундузда республикамиз далаларида пахтакорлар учун навбатдаги жиддий синов — куз синови давом этмоқда. Ҳосил йиғим-теримига республика партия ва ҳукуматининг қарорига мувофиқ пухта тайёргарлик билан киришган областлар ва районларнинг пахтакорлари бу синовдан ҳам ёруғ юз билан ўтмоқдалар. Бу борада Тошкент области пахтакорларининг иши айниқса ибратлидир. Улар ғўза парваришн ва ҳосил йиғим-терими учун «Тошкент технологияси» номи билан аталаётган янги прогрессив технология асосида ташкил этиб, юксак марра сари шиддат билан интилмоқдалар.

Пахта йиғим-терими тошкентликлар тажрибаси асосида олиб борилаётган ва терим техникасидан самарали фойдаланилаётган жойларда тайёрлаш суръати кун сайини ошмоқда. Ромитан, Бўка, Ғалаба, Ғиждувон, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районлари йиллик план топшириқларини аллақачон бажариб қўйишганига қарамай, пахта тайёрлашнинг кунлик ўсишида барқарорликни таъминлаб келаётганликлари фикримизнинг яққол далилидир.

Маҳаллий партия комитетлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг жойларда олиб бораётган ташкилий-сиёсий ишлари, деҳқонлар ва механизаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли республикамиз кўзланган юксак маррага тобора яқинлашмоқда. Аммо куз қўёши деҳқонларимизга кулиб боқаётганн йўқ—ҳаво борган сари совуб, осмонни пага-пага булутлар қопламоқда. Куни кеча республикамизнинг анчагина қисмида яна ёмғир ёғиб ўтди. Ана шундай бир пайтда ҳосилнинг каттагина қисми ҳали йиғиб олинмасдан турганлиги зўр ташвиш туғдирмоқда. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети юз берган вазиятни ҳисобга олиб, республиканинг барча коммунистларн ва комсомолларини, колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги механизаторларн, раҳбарлари ва мутахассисларини, барча меҳнаткашларини ҳосил тақдири учун масъулиятни деҳқонлар билан биргаликда ўз зиммаларига олишга даъват этиб, уларга қарата мурожаат қилишди.

— «ОҚ ОЛТИН» МАВСУМИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАСИ, ГИЛЛАР ВА УН ИИЛЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН СИНАЛГАН ҲАЛҚ ДОНИШМАНДЛИГИНИНГ «ОБ-ҲАВО ОБ-ҲАВОЛИГИНИ ҚИЛАДИ, ИШ ЭСА УЗ ИУЛИГА» ДЕГАН НАҚЛИГА ТУЛА АМАЛ ҚИЛАДИГАН ПАИТ БОШЛАНМОҚДА, — денилади куни кеча матбуотда эълон қилинган ўша мурожаатда. — ШУНДАЙ БИР ШАРОИТДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТЛАРИНИ ОШИРИШ, МАВСУМНИНГ ҲАР БИР КУНИДАН, ҲАР БИР СОАТИДАН ЭНГ КУП САМАРА БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ БОШ ВАЗИФАДИР. ЕРИН-СОЧИН ҚУШИМЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИБ, ҲАР ҚАНДАЙ БЕҒАМЛИК ҲОСИЛГА УНГЛАБ БУЛМАЙДИГАН ЗАРАР ЕТКАЗИШИ, МИНГ-МИНГЛАБ КИШИЛАРНИНГ МЕҲНАТ-ГАЙРАТЛАРИНИ НУҚСОН ЧИҚАРИШИ МУМКИН.

Пахта — совет халқининг шон-шуҳрати ва нефтихоридир. Мамлакат экономикасида уни галлага, металлга, нефтга тенглаштирилаётганининг узи ҳам ўзбек деҳқонининг бугунги тадбиркорлиги, уддабурронлиги, уюшқоқлиги, партияга, она-Ватанга, совет халқига осрган ваъдасининг устидан чиқиб, бу йил камида 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони уюш нўлидаги сафарбарлиги нақадар муҳимлигини рўй-рост кўрсатиб турибди. Республика партия ва ҳукумати коммунистлар ва комсомолларга, колхозчилар ва совхоз ишчиларига, механизаторларга, шаҳарлик ҳашарчиларга ва студентларга Мурожаат қиларкан, уларни йиғим-теримда жуда актив қатнашишга, пахта далаларида икки карра, уч карра зур ғайрат билан меҳнат қилишга даъват этдилар.

Ҳозир пешана тери билан, қўлимизнинг қадоғи, қалбимизнинг қури билан етиштирилган ҳосилнинг бир чаноғини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, давлатга топширишда ҳам худди баҳор ва ёз ойларидагидек фидокорлик кўрсатиб ишлаяпган пайт келди. Бу долзарб паллада айниқса коммунистлар ва комсомолар ҳаммага ибрат бўлишлари керак. Улар улкан пахта хирмони учун курашнинг ҳамиша олдинги марраларида бўлиб келишган ва шундай бўлиб қолиши керак. Зеро, доҳиимиз Владимир Ильич Ленин таъбири билан айтганда, коммунистларнинг биттаю битта имтиёзи бор, у ҳам бўлса қийинроқ жойда бўлиш, олдинда бориш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни эргаштиришдан иборатдир.

Бугун қўлда пахта теришда ҳам, терим машиналарининг штурвалларида ҳам, хуллас, йиғим-терим конвейерининг ҳамма бўғинларида маҳорат кўрсатиб ишлаган ютади. Фақат барчанинг ва ҳар биримизнинг аҳиллик билан қилган зарбдор меҳнатимизгина ҳосилга тақдирини ҳал қилиши, уни егин-сочинга қолдирмай йиғиб олиш имконини бериши мумкин. Колхозчилар, совхоз ишчилари ва ҳашарчилар ўртасида юксак иш унумн учун Улуғ Октябрининг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақа янада кенг авж олдирилиши, терим агрегатларининг иш самарадорлиги нескин оширилиши керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамма жойда прогрессив Тошкент технологиясн кенг қўлланилишн тўғрисида, йиғим-теримда банд бўлган кишиларнинг унумли ишлашлари учун тегишли барча шарт-шароитлар яратилишн тўғрисида, илғорларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш ва қолоқ коллективлар ишидаги камчиликларни бартараф этиб, уларни ҳам илғорлар сафига кўтариш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишлари лозим. Пахтакорлар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар янада кучайтирилиши, теримда юксак суръат ва сифат учун социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши шарт.

Республикамизда ҳамма пахтакор, дейдилар. Чиндан ҳам шундай. Лекин бугун бу сўзлар янада салмоқли, тағин ҳам жарангдорроқ мазмун касб этмоқдаки, республикамиздаги ҳар бир киши — колхозчи ва ишчи, сузувчи ва олим, инженер ва педагог, хизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳосилнинг тақдирига шахсан даҳлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини аниқдон амри билан белгилаши, бутун вужуди билан пахтакор бўлиши керак. Мана шу ҳал қилувчи паллада ҳамманинг ўрни далада, ҳаммамизнинг ташвишимиз, ҳаммамизнинг вазифамиз битта, у ҳам бўлса пахтадир! Ҳеч шубҳа йўқки, республикамиз меҳнат аҳли етиштирилган бутун пахта ҳосилини нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб-терб олиб, она-Ватанга камида олти миллион тонна Узбекистон «оқ олтин»и армуғон этадилар ва бу уларнинг КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларига амалий жавоблари ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги ва СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигига муносиб совғалари бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига Чақириқларидаги қуйидагн сўзлар бугунги долзарб паллада алоҳида куч билан жаранглайди:

— КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ХОДИМЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИНГИЗ!

— ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТИНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

— ЕТИШТИРИЛГАН ҲАММА МАҲСУЛОТ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНИЛИШИ КЕРАК!

ПАХТАКОРЛАР РАПОРТИ

КОММУНИСТИК РАЙОНИ

Район меҳнаткашлари ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 27.200 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Йиғиб-териб олинган ҳосилнинг 90 процентини район механизаторлари агрегатлар буникеридан бўшатишди. «Политотдел» колхозидан Суюн Эргашев ва Омон Бегалиев, «Правда» колхозидан Андрей Цой, «Узбекистон» колхозидан Аулбек Режепов сингари механизаторлар мавсумда 165—210 тоннадан пахта теришга эришдилар.

«Ленинский путь» колхозидан Алихон Байменов, Ўнгалбек Эшонов, «Правда» колхозидан Владимир, Пак ва Тожибой Исматуллаев, «Узбекистон» колхозидан Виктор Ан бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнер ва ундан ҳам кўпроқ бўлди.

Район меҳнаткашлари социалистик мажбурият ҳисобига пахта тайёрлашни давом эттирмоқдалар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш ва Ватанга яна 5000 тонна «оқ олтин» армуғон этиш мажбуриятини олишди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планнни муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидагн район республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Коммунистик район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Алимов, район ижройя комитетининг раиси ўртоқ Цой, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эрназаров, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Каримов, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Толипов, қишлоқ хўжалиги ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Султонова.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар: иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён: тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	1,20	97,56	1,15	104,43
Бухоро	1,62	84,62	1,70	74,29
Сирдарё	1,79	72,25	1,93	77,94
Қашқадарё	2,52	72,24	2,86	54,44
Жиззах	2,47	70,19	2,47	79,27
Наманган	1,49	67,90	2,01	56,82
Фарғона	1,12	66,25	1,36	50,15
Сурхондарё	1,65	64,12	1,52	48,03
Андижон	1,43	54,91	1,82	34,69
Хоразм	2,35	45,95	2,77	32,17
ҚҚАССР	2,18	36,21	1,84	19,60
Самарқанд	2,27	36,03	1,90	18,51
Республика бўйича:	1,79	63,28	1,90	53,56
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,02	78,92	0,46	51,34
Наманган	2,20	71,82	5,00	51,00
Сурхондарё	2,18	56,90	2,17	44,88
Қашқадарё	2,56	36,56	2,06	12,26
Республика бўйича:	2,19	52,86	2,03	33,99

Ингичка — район партия комитетининг секретари ўртоқ Хадралиев, район ижроия комитети раиси ўртоқ Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Чинтоев, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Юнусов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Лим). Бу район шоли ўрим-йиғимн планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 8 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 88,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 72,6 процент, уруғлик ғамлаш планини 33,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 33,6 процент бажарган. Байрок Сурхондарё областининг Гагарин районидан олиб берилади;

Сирдарё областининг **Сирдарё район** (район партия комитети секретари ўртоқ Каримов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Хўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Миркурбонов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Зуев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Ким). Бу район шоли ўрим-йиғими планини 89 процент, шу жумладан ўн кунликда 38,6 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 67,7 процент, шу жумладан ўн кунликда 39,3 процент, уруғлик ғамлаш планини 63,5 процент, шу жумладан ўн кунликда 28,2 процент бажарган. Байрок Хоразм областининг Гурлан районидан олиб берилади;

Тошкент областининг **Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз** (совхоз директори ўртоқ Омонов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Айтбетов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Жўлдошев). Бу совхоз шоли ўрим-йиғими планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 45 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 92,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 67,5 процент, уруғлик ғамлаш планини 39,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 39,3 процент бажарган. Байрок Қорақалпогистон АССР, Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхозидан олиб берилади;

Хоразм областининг **Гурлан районидаги «Гулистон» совхози** (совхоз директори ўртоқ Ким, партия ташкилоти секретари ўртоқ Эшметов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Султонов). Бу совхоз шоли ўрим-йиғиб олиш планини 97,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 41,2 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 90,7 процент, шу жумладан ўн кунликда 53,1 процент, уруғлик ғамлаш планини 40 процент, шу жумладан ўн кунликда 40 процент бажарган. Байрок Хоразм область, Хонка районидаги Ал-Хоразмий номли совхозидан олиб берилади;

Самарқанд юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестининг йиғма автомобиль колоннаси (йиғма автоколонна бошлиғи ўртоқ Меньшагин, партия ташкилоти секретари ўртоқ Горбанёв, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Куценко). Бу автоколонна ўн кунликда шоли ташиш планнчи 110,9 процент бажарган. Байрок Тошкент шаҳар марказлаштирилган юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестининг йиғма автомобиль колоннасидан олиб берилади.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР КИЛАДИ

● **12 ОКТЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 104.534 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 3.695.843 ТОННА ДУРДОНА ЖУНАТИЛДИ. МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА УТГАН КУНИ 73.406 ТОННА, МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ЭСА 2.072.916 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ.**

● ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ДЕҲҚОНЛАРИ ЗАФАР МАРРАСИГА ЕТАЙ ДЕБ ҚОЛДИЛАР. УЛАР ҲОЗИРГАЧА 414,6 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ТАЙЁРЛАДИЛАРИНГ. БУХОРО ОБЛАСТЬ ЗАРШУНОСЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН «ОҚ ОЛТИН» МИҚДОРИ 482,3 МИНГ ТОННАДАН ОШДИ.

● **Ингичка толали пахта йиғим-теримида Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Сурхондарё областлари деҳқонларн муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Утган куни 8.107 тонна, мавсум бошидан буён эса 195.588 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.**

НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

Ғузор районидаги Охунбоев номли совхоз меҳнаткашлари қабул пунктларига 1015 тонна «оқ олтин» жўнатиб, пахта тайёрлаш йиллик планнни бажардилар. Ҳар гектар ерден 38 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳўжалик меҳнаткашлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

* * *

Ленинград районидаги кўриқ «Меҳнатобод» совхози пахта тайёрлаш йиллик планнн муваффақиятли бажарди. 513 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 17,47 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 900 тонна «оқ олтин» топширилди. Машинада пахта териш плани 102 процент адо этилди. Хўжаликнинг Турсунали Муҳаммадов, Гуломиддин Ёриддинов, Тўланбой Деҳқонов, Алишер Турдалиев бригадаларида гектаридан 18—20 центнердан кўрик дурдонаси териб олинди.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Комсомолобод районидаги «Оқолтин» совхози пахтакорлари йиллик планнн ўзбажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Қўриқнинг ҳар гектаридан 18 центнердан хирмон кўтарилиб, қабул пунктларига 3 минг тонна «оқ олтин» жўнатилди. «Оқолтин» совхози Андижон областида пахта тайёрлаш йиллик планнни бажарган учинчи хўжаликдир. Ҳозир областда 117 бригада социалистик мажбурият ҳисобига дурдона топшираётир.

* * *

«Ленинград» колхози заршуносларн Қизилтепа районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планнни адо этишди. Давлатга 2.581 тонна пахта етказиб берилди.

ШОЛИ — ДАВЛАТГА

Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхозидан Маъмурбой Сабуров бригадаси социалистик мажбурият ҳисобига шоли ўриб-янчиб олмоқда. Бу ерда гектаридан 38 центнердан «қирмизи дон» олинди. Бригада аъзоларнинг ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

Замондошларимиз

ЧЎЛ ШУНҚОРИ



Пахтакорлик Бектемир Саматовга ота касб. У эсини таниБдики, далада. Аввал звенога, кейинчалик бригадага раҳбарлик қилди. У донмо эл-юрт, Ватан бойлиги — пахта етиштириш мақсадида меҳнат қилаётган багри кенг асл деҳқонлар даврасида. Улардан билмаганларнини сўраб ўрганди. Мана энди Бектемирнинг ўзи устоз. Пахтачиликдаги 40 йиллик тажрибасини ёшларга сидқидилдан ўргатяпти.

Миришкор деҳқонининг Жиззах чўлига яхши ният билан бола-чақасини етаклаб келганига ҳам анча бўлди. Чўлқувварлар сафида янги ер очиб, эгатларга сув таради. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилди. Ҳалол меҳнат қилган кишн элда азиз дейдилар. Бектемир Саматов ҳам эл-юрт олдида, партиямиз олдида чуқур ҳурматга сазовор бўлди. Ўтган йил якунларн бўйича унга «Узбекистон ССР-да хизмат кўрсатган пахтакор» деган шарафли унвон берилди.

Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхозининг 5-бўлимига раҳбарлик қилаётган чўл шунқорининг бу йилги ниятлари яна ҳам катта. Бўлим пахтакорлари 400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олишган. Улар пахта йиғим-теримини республика партия-ҳукуматининг даъваткор Мурожаати асосида ташкил қилиб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Кунига йиллик топшириқнинг 5—6 процентн миқдорида дурдона йиғиштириб олинаётир. Ҳосилнинг асосий қисми агрегатлар ёрдамида териб олиняпти. Бўлим далаларида 10 та пахта териш агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда.

Суратда: бўлим бошқарувчиси Б. Саматов.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ ГФР НЕМИС КАСАБА СОЮЗЛАРИ БИРЛАШМАСИ РАИСИ Г.-О. ФЕТТЕР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ВЦСПС таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ГФР Немис касаба союзлари бирлашмаси раиси Гейнц-Оскар Феттерн 13 октябрь куни Кремлда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳамда Европа мамлакатлари меҳнаткашларининг манфаатларига ва тўрмуш шароитларига дахлдор бўлган ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи проблемалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Ҳар икки томон экономика, фан, маданият соҳасида ва бошқа соҳаларда СССР билан ГФР ўртасида самарали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши истиқболлар мавжуд, бу эса ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ва Европада сиёсий иқлимни умуман соғломлаштириш учун ижобий аҳамият касб этади, деб ишонч билдирди.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари ҳатарли қуролланиш пойгасини жиловлаш учун, Европада тинчликнинг барқарорлигини ва Европадаги барча мамлакатларнинг тинч ҳамкорлигини таъминлаш учун курашда муҳим роль ўйнашлари лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат самимий, ўртоқлик вазиятда ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, ВЦСПС раиси А. Н. Шибаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, шунингдек Немис касаба союзлари бирлашмаси федерал правлениеси халқаро бўлимининг мудири Э. Кристофферсен иштирок этдилар.

(ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Миллий байрам — 14 октябрь революция куни муносабати билан Яман Социалистик партиясн Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯҲДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри ўртоқ Али Носир Муҳаммадга табрик телеграммаси юбордилар. Телеграммада бундай дейилади:

«Совет кишилари ўз авангарди — Яман Социалистик партиясининг раҳбарлигида туб революцион ўзгаришлар қилган демократик Яман халқига чуқур хайрихоҳлик ҳис-туйғулари билан қарамоқдалар. Сизга ва дўст Жанубий Яман халқига шу йўлда янада тараққиёт, мамлакатни иқтисодий-социал ва маданий ривожлантириш борасида белгиланган планларни бажаришда янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ленинча ташқи сиёсат принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Жанубий Яман революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш учун империализм ва реакция кирдикорларига қарши, Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчликка эришиш учун курашда ҳамиша демократик Яман халқи томонида бўлиб келди ва бундан кейин ҳам унинг томонида бўлаверади.

Совет Иттифоқи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1979 йилги шартномасининг мустаҳкам замини асосида ривожланиб бораётган ҳар томонлама дўстона муносабатларни юксак даражада қадрлайди».

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашдаги мақсадлар муштараклигига асосланувчи шу муносабатлар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, чуқурлашиб боравериди, халқларимизнинг манфаатларига ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш олижаноб ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

(ТАСС).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети шолини ўриб-йиғиб олиш, уни давлатга сотиш, уруғлик ғамлаш ва шолини ташиб олиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1981 йил октябрь они биринчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети ушбу ташкилотларнинг ғалабаларини муносиб тақдирлашга қарор қилдилар.

Тошкент области (область партия комитети секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Рахмонов, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Бекбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети раиси ўртоқ Хегай). Бу область шоли ўриб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 20,9 процент, давлатга шоли сотиш планини 107,1 процент, шу жумладан ўн кунликда 83,2 процент, уруғлик ғамлаш планини 70,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 35,3 процент бажарган. Байрок Қорақалпогистон АССРдан олиб берилади;

Тошкент областининг Ғалаба район (район партия комитети секретари ўртоқ Ҳадралиев, район ижроия комитети раиси ўртоқ Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Миркурбонов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Зуев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Ким). Бу район шоли ўрим-йиғими планини 89 процент, шу жумладан ўн кунликда 38,6 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 67,7 процент, шу жумладан ўн кунликда 39,3 процент, уруғлик ғамлаш планини 63,5 процент, шу жумладан ўн кунликда 28,2 процент бажарган. Байрок Хоразм областининг Гурлан районидан олиб берилади;

Тошкент областининг Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз (совхоз директори ўртоқ Омонов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Айтбетов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Жўлдошев). Бу совхоз шоли ўрим-йиғими планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 45 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 92,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 67,5 процент, уруғлик ғамлаш планини 39,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 39,3 процент бажарган. Байрок Қорақалпогистон АССР, Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхозидан олиб берилади;

Хоразм областининг Гурлан районидаги «Гулистон» совхози (совхоз директори ўртоқ Ким, партия ташкилоти секретари ўртоқ Эшметов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Султонов). Бу совхоз шоли ўриб-йиғиб олиш планини 97,6 процент, шу жумладан ўн кунликда 41,2 процент, давлатга шоли сотиш топшириғини 90,7 процент, шу жумладан ўн кунликда 53,1 процент, уруғлик ғамлаш планини 40 процент, шу жумладан ўн кунликда 40 процент бажарган. Байрок Хоразм область, Хонка районидаги Ал-Хоразмий номли совхозидан олиб берилади;

Самарқанд юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестининг йиғма автомобиль колоннаси (йиғма автоколонна бошлиғи ўртоқ Меньшагин, партия ташкилоти секретари ўртоқ Горбанёв, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Куценко). Бу автоколонна ўн кунликда шоли ташиш планнчи 110,9 процент бажарган. Байрок Тошкент шаҳар марказлаштирилган юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестининг йиғма автомобиль колоннасидан олиб берилади.

ТАЖРИБА АЛМАШИБ

13 октябрь куни Тошкентда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва Югославия Социалистик Федератив Республикаси арбитраж суд ва комиссиялари раисларининг XI кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгеш қатнашчилари тажриба алмашадилар, бир қанча проблемаларни муҳокама қиладилар. Бу проблемаларнинг ҳал этилиши иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини такомиллаштиришга, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва ЮСФРда социалистик интеграция ва кооперацияни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Кенгаш қатнашчиларини Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. П. Есин қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ўзбек ўртоқ Жуманиёз **Шариповни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада филология фанини ривожлантириш, илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали иши учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан адабиётшунос ўртоқ Холид **Расуловни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан адабиётшунос ўртоқ Холид **Расуловни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРИБ, ВАТАНГА КАМИДА 6 МИЛЛИОН ТОННА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ — РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БУГУНГИ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ.

ПАХТАКОР, ҲАР БИР КУН,

ИШЧАНЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИБ

Павлодар-Экибастуз территориал-ишлаб чиқариш комплекси тобора кенгаймоқда. Бир вақтлар бу ерда энергетика ва кўмир саноати объектларини, шунингдек социал ва маданий-маиший объектларни барпо этиш ҳамда ишга туширишда қолоқликка йўл қўйилаётган эди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети қолоқликнинг сабабларини кенг актив иштирокида синчиклаб таҳлил қилди. Қабул қилинган қарорнинг амалга оширилиши учун масъулият Марказий Комитет бўлимлари, Павлодар область ва Экибастуз шаҳар партия комитетларининг зиммасига юкланди. Ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши устидан қаттиқ контроллик, конкрет ижрочилардан қатъий талабчанлик, партия ва ҳўжалик органлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳаракатларининг мослиги билан мувофиқлаштирилиши комплексни ривожлантиришни анча жадаллаштириш имконини берди.

Партия комитетларининг практикасида улкан мақсадларга интилиш билан узвий боғланган ишчанликнинг бундан мисоллари оз эмас. Худди шундай ёндашиш зарур, чунки КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг диққат марказига қўйилган. Мазкур қарорларни селмоқли амалий ишлар билан рўёбга чиқариш — дастлабки ўн биринчи беш йиллик топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш демакдир.

«Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак! — деди ўртоқ Л. И. Брежнев съездни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида. — Аввало — юксак масъулиятни сезиш ҳамда қатъий, ҳақиқатан ҳам коммунистик, онгли интизом керак бўлади. Бироқ, ўткир эҳтиёжлик, янгиликни тинимсиз излаш ва шу янгиликни қўллаб-қувватлаш ҳам жуда зарур, албатта. Доимо ташаббускор — ҳар ерда ва ҳамма ишда ташаббускор бўлмоқ керак».

Интизом ва ташаббускорлик — булар партиявий ишчанликнинг бир-бири билан чамбарчас боғланган ажралмас хусусиятларидир. Чунки, ташаббуссиз интизом кўпинча қанот ёзмай мўрт, тор доирадаги амалиётчиликка айланиб қолади. Интизом бўлмаса чинакам ташаббускорликни тасаввур этиб бўлмайди, чунки яхши уюшмаганлик куч ва вақтнинг беҳуда сарф бўлишига, тартибсизликка, бўшангликка олиб келади. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари сўз билан ишнинг бирлиги тўғрисида гамхўрлик қилиб, тобора мураккаблашаётган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ташкилотчилик ва снёсий ишни доимо такомиллаштиришлари, кадрларни тарбиялашни яхшилашлари, барча соҳаларда аҳиллик ва оперативликка эришишлари шарт.

Партия иши салмоқли реал натижаларга эришишга қаратилгандир. Ўз-ўзидан маълумки, бу натижаларга буйруқбозлик ва қуруқ тазйиқ қилиш йўли билан эришиб бўлмайди. Партия комитетлари ўзларига хос методлар билан иш кўришлари лозим. Ишонтира олиш маҳорати бунда бош омилдир. Маълумки, ишларнинг аниқ йўлга қўйилганлиги кишиларни ҳаммадан кўра яхшироқ ишонтиради, бунда навбатдаги вазифалар ниҳоятда равшан

ҲАР СОАТ, ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ!

Ёзувчилар пахта далаларида

Ҳозир республиканинг барча меҳнаткашлари — у шаҳарликми, пахтакор ёки пахтакорлар сулоласиданми, ҳамма-ҳамманинг ўй-хаёли пахтада, пахта даласида. Ахир ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор биринчи йилининг ҳосили осонликча бунёд этилмади-да.

Табиат тўнини тескари кийиб олди. Ўзининг қатъий ва ўзгармас қонуни билан пахтакорни синаб кўрмоқчи бўлди шекилли. У ўзбек деҳқонини қайта бошдан имтиҳон қилишга журъат этди. Иродаси букилмас, собитқадам, моҳир, миришкор, матонатли пахтакорларимизга хулқ-атвори билан кўпдан таниш бўлса-да, ҳар қалай кутилгандан кўра ҳам ортиқроқ оғир ва мураккаб қийинчиликларни юзага келтирди. Баҳор чоғидаги ёқимсиз совуқ, тинимсиз ёмғирлар экиш-тикиш муддатларини орқага судрайверди. Бу ҳам етмагандек, аввалги йилларга ўхшови йўқ ёзда рўй берган довул, дўл, жала, кучли совуқ шамоллар-чи! Одатдаги табиий баҳор қуёши ҳам гўё инсон меҳнати, муҳаббати қўшилиб, заминга қадалган чигитдан ўз ҳароратини аяди. Мурғак ниҳолларни эркалаш, ғўзанинг бўй чўзишига кўмак беришдек бурчини унутди. Ғўзага қуёшнинг мўл-кўл ҳарорати керак эди-ку, ахир. Аксинча, ғўза бошқа бир ҳарорат билан жонланди. Бу — эзгу ниятли деҳқоннинг қалби, қадоқ қўли берган ҳарорат.

Пахтазорлар зумрад тус олди. Бора-бора ғўзалар гул очиб шоналади. "Оқ либосга бурканди. Ҳосил чўғи пахтакор кўнглини қувонтирди. Меҳнат тантана қилди. Ниҳоят, кечикиб бўлса-да, ғалаба гаштини суриш палласи етиб келди.

Арнасой районн пахтакорлари чигитни қайта экналарида эртанги кунга — тўкин кузга ишонгандилар. Мана, бугун ўша тўкин куз келди. Район кунига йиллик планнинг 4-5 процентн миқдорида пахта топшириб, қўриқ Жиззах областида олдинги сафда бормоқда.

Бу чўл ерларида ҳам одатдан ташқари бўлган ёзги дўллар хуруж қилганда чўл-қуварлар авлодига мансуб Қувондиқ Абдураззоқов ва унинг шавкатли жўралари шоналай бошлаган ғўзаларнинг яланғоч бўлиб қолганини кўришганида қандай ташвишга тушганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Саноқли дақиқалар ичида пойма бўлган далага қараш жудаям оғир, аммо тушкунлик Қувондиқ ва унинг жасур жўраларига бегона эди. Қийинчиликлар олдида чекинмаслик, ғалаба учун астойдил курашиш, мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш уларнинг асосий мақсадлари эди. Ана шу энг оғир йилда ҳам Қувондиқлар сабот билан офатларни бартараф қилди, ғалаба қозонди.

Областдаги энг илғор хўжаликлардан бири Жиззах районидаги «Москва» колхозининг пахта пайкаллари 3600 гектарни ташкил қилади. Бу хўжалик байрогидаги Ленин ордени хўжалик деҳқонларининг шонли ишларидан хабар бериб турибди. Бу коллективга ажойиб пахтакор инсон, колхоз ишлаб чиқаришининг машҳур ташкилотчиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носиров узоқ йиллар бошчилик қилди. Ҳозир эса бу шонли коллективнинг коммунистларига салкам 15 йил етакчи бўлган Асрор Эргашев раислик қилмоқда. Ҳамроқул ота хотираси правление идорасидаги унинг катта портретидагина эмас, балки меҳнат, жасорат, ғалаба эстафетасини ишонч билан олга элтаётган жасур колхозчиларнинг кундалик меҳнатларида ҳам яшамоқда.

Бу йил хўжаликда 1,5 минг гектар ерга қайта чигит экишга тўғри келди. Селялкалар даладан сўнгги бор 5 июнда олиб чиқилди. Ҳар йили одатда июнь ойида ғўза қийғос гулларди, мўл ҳосил тўпланарди. Бу йил аксинча, июнь ойи бошида қайтадан ерга уруғ ташланди. Шунга қарамай, қадоқ қўллар хилма-хил табиий офат ва қийинчиликларни енгиб, ғолиб чиқишди. Ғалаба фақат меҳнатга боғлиқ. Фидойилик, зарурдан-зарур эканлигини билиб, тадбир-чорагадалар оз эмас бу хўжаликда.

Яна бир мисол. Райондаги Ҳамроқул Носиров номли совхозда ҳам бўлдик. Бу янги хўжалик ишлари билан таниш, ютуқларидан мамнун бўлдик.

Партком секретари Ботир Нормуродов пахта пунктидан қайтганда тун ярим кечадан оққанди. Парткомнинг оftобда қорайган кулча юзида ҳориш эмас, қувонч балқирди.

— Кечаги кунга нисбатан бир ярим процент ўсиш бор. Кеча 3 процент бўлганди. Эртага албатта 4 бўлади, — деди қувониб Нормуродов. — Совхозда пахта майдонларининг ярмиси бузиб экилган. Сув танқислиги, ишчи кучи етарли бўлмаса-да, планни ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилинди. Мана, 3 минг тонна пахта тайёр! Мўлжалимиз 4.5 минг тонна. Орта ортадики, кам бўлмайди.

Парткомнинг сўзлари реал фактларга асосланган эди. Иккинчи, учинчи бўлим 800 тоннадан пахта топириши керак. Аммо улар бу рақамни салмоқлироқ рақамга — минг тонна қилиб ўзгартиришди. Носиров номли совхозда ўзаро мусобақа шу хил тус олган.

Арнасой Жиззах областида энг олис районлардан бири. Аммо бу ерда ҳам Носировлар фамилияси жарангдор ва ғолиб. Ҳамроқул отанинг пахтакорлик сулоласи — фарзандларидан ташкил топган оилавий экипаж коллектив меҳнатни шарафламоқда. Бир неча йилдирки, пахта теришяпти. Умуман, Арнасой районида ҳар бир машинанинг кунлик унуми баракали. Масалан, Роковский номли совхозда Жўрақул Галаев, Васильевский номли совхозда Ботир Амирхонов, Тимошенко номли совхозда Қўшбоқ Баратовларнинг ҳар бири кунига ўз бункерларидан 14-20 тоннадан ошириб пахта тўкяптилар.

Арнасойликлар Жиззах областида олдинда. Улар 1 ноябрга қолмай ҳам план, ҳам мажбуриятни бажариш учун зўр бериб меҳнат қиляптилар.

Шу кеча-ю кундуз идеология фронти ва маиший хизмат ходимларининг ҳам қўли-қўлига тегмай қолди. Теримда қатнашаётганларга маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш ҳам зарурий иш. Арнасой район партия комитети пропаганда ва агитацкя бўлими мудири Муродилло Қаршиев пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот берилган газеталар етиб келишини кутиб ўтирмайди. Унинг қўлида доимо транзисторли радиоприёмник бўлиб, маълумотларни дарҳол ён дафтарига ёзиб олади, сўнгра бу маълумотлар жанговар варақаларга, ҳар куни чиқарилаган «Социалистик мусобақа кундалиги»га кўчирилади ва ундан унумли фойдаланилади. «Зафарларингиздан хурсандмиз» ҳамда «Бонг урамиз» деган варақаларда ҳам факт ва рақамлар кўрсатилади.

Район партия комитетининг биринчи секретари Аҳад Сойбназаровни иш кабинетидан кўра кўпроқ пахта даласида, таёрлов пунктида, ремонт устахонасида, дала шийпонида учратиш мумкин.

— Ҳамма пахта фронтида, — дейди у. Унинг гапидан ҳозирги аҳвол аниқ ифодаланиб турибди.

Жиззах районида Бектемир Сойбназаров директорлик қилаётган Ленин номли совхозда уч соҳа: пахта, дон чорва — бирн-биридан муҳим соҳа ҳисобланади. Бу хўжалик пахтакорлари 1981 йилда 1500 гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилишган. Улар ҳар куни 5 процентдан ошириб пахта топширмоқда. Уруғлик плани ҳам ошириб бажарилди. Мирзачўл шунқори машҳур пахтакор Эгамберди Ботировнинг укаси Абдуллажон етакчилигидаги бўлимда эса ҳар куни 7-8 процентга етказиб пахта топширилмоқда.

1975 йилда 100 мингинчи трактурга тантанавор минди-рилган механизатор Мусулмон Эргашев бу йил ҳам теримда ғолиб чиқиб, олтин соат билан мукофотланди. Комбайнчи Ортиқбой Азизқулов ўтган йили 600 гектар майдондаги ғаллани ўриб олган бўлса, бу йил 700 гектар ердаги ғаллани ўриб донг чиқарди. Ҳаким Каримов бошлиқ бригада пахтакорлари 37 ўринга 45 центнердан пахта топшириб, ҳозир 60 центнер учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Илғор бригадалардан Қилич Бобомуродов, Ҳурсанд Сатторов, Эрали Тоғаев бошлиқ ва бошқа ўнлаб бригадалар аллақачон планларини бажариб, мажбурият ҳисобига тер тўкмоқдалар.

Жиззах чўлини биринчилардан бўлиб ўзлаштиришга киришган чўлқувар ўзбек халқининг жасур қизи Инобат Охунова директорлик қилаётган «Ўзбекистон» совхозининг азамат механизаторлари ҳар куни 10 процентга етказиб пахта топширмоқда.

Буларга ўхшаш илғор хўжаликлар чўлқувар Жиззах областида оз эмас. Жиззах области пахтакорлари илғор областлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгалладг турибди. Энди гап суръатни бўшаштирмай барча имкониятларни ишга солиб, бир чаноқ пахтани ҳам нобуд қилмай териб олиш, ғаннмат кунлардан унумли фойдаланиш да қолди.

Ҳозирги жанговар вазифа Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика коммунистлари ва комсомоллари, колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторларига, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига — барча меҳнаткашларга қарата қилган Мурожаатини жон қулоқ билан тинглаб, уни амалга оширишдан иборат.

Октябрнинг шу долзарб кунларида миллионлаб шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ташвишлари ярона — пахта ташвиши, она-Ватанга берган ваъдага вафо қилиш, ҳамма-ҳаммамиз учун муқаддас ва муштарак ташвиш. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, дейдилар. Куч бирликда. Биргалашиб ҳаракат қилсак, пахтакорнинг юки ерда қолмайди, албатта.

Назир САФАРОВ,
Юрий КОВАЛЕВ.

МУШТАРАК ТАШВИШЛАР

Жиззах

Бугун республиканинг ҳар бир аҳолиси — колхозчи ва ишчи, ёзувчи ва олим, инженер ва педагог, хизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳосилнинг тақдирига шахсан дахлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаши, жон-тани билан пахтакор бўлиши керак. Мана шу ҳал қилувчи кунларда ҳамма, айнан ҳамма далага чиқиши лозим.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).



Қалб амри билан пахта тераётган ака-ука Ғайрат, Фарҳод, Олимжон, Пардабой, Одилжон Носировлар. А. Тўраев фотоси.



Самарқанд

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Большевик районидаги «Самарқанд» совхозида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олиш юксак уюшқоқлик билан давом эттирилаётир. Мазкур 64 терим агрегатининг ҳар бири бирон ўртача 150 тоннадан «оқ олтин» териб олишга бел боғлаган дала гвардиячилари суръатга қанот боғлаб хизматга фаол киришяпти. Ишни республика партия ва ҳукуматининг даъватлар Мурожаати асосида ташкил этиб, мусобақада пешқадамлик қилаётган Абдумажид Ниёзов бошлиқ бригада коллектини социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётир.

Суратда: илғор механизатор А. Ниёзов.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

Хоразм

ИБРАТ

— Тошкент технологиясини қўллаб, ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиб оламиз. Хонқаликларнинг аҳди шаймони шундай. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ташаббуси билан майдонга чиққанлар орасида Хонқа райони ҳам бор.

Хонқаликлар ўз сўзларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Уларнинг аҳди илғи хирмонни 46 минг тоннага, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш, жами ҳосилнинг 80 процентини машиналарда теришдан иборат.

Районнинг Ленин орденли Охунбобоев номли, «Хоразм», «Октябрь 40 йиллиги» ва «Правда» колхозлари терим техникасидан самарали фойдаланишда намуна кўрсатишяпти. Охунбобоев номли колхознинг Х. Собиров, С. Мадаминов, З. Рўзматова бошлиқ 60 центнерчи бригадалари терим пешқадамлари сафида бормоқдалар. Нурмамат Шерматов, Самандар Искандаров, Фарғат Машарипова, Самандар Бобожонов каби дала гвардиячилари машиналар бункерларидан 300—350 тоннадан «оқ олтин»ғўкишга бел боғлаганлар.

Ф. ЭОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Колхоз ва совхозларнинг, бўлимлар ва бригадаларнинг раҳбарлари! Қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Ишчи кучи ва техниканн аниқ ва чаққон ишлатингиз, улар учун иш жойларини барвақт ҳозирланглз, комплекс звеноларн ва теримтранспорт отрядларининг ишини ташкил этишни такомиллаштиринглз!

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ҚҚАССР

УРУҒЛИК ПАХТА МЎЛ БЎЛАДИ

Бутун ҳосилни сўнгги чаноғигача ғоят қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш, ҳар бир хўжалик, район, область қабул қилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ШИФОКОРЛАР ПАХТАКОРЛАРГА

Шаҳрисабз районидаги «Шаҳрисабз» колхози марказида жойлашган амбулатория ходимлари пахта йиғим-терими авжи қизиган шу долзарб кунларда колхозчи деҳқонларга янги график асосида тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Амбулатория зарур дори-дармон, турли медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган. Ҳ. Раҳматуллаев, Т. Прямов сингари шифокорлардан ҳамма мамнун. Улар узоқ кун пахтакорлар хизматида бўлмоқдалар. Беморларни қабул қилиш вақти йиғим-терим палласига мўлжаллаб қайта тузилган. Зарурат бўлган чоғлари бевосита дала шийпонларининг ўзида ҳам биринчи медицина ёрдами кўрсатилмоқда. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишда шифокорлар кези келганда этак тутиб пахта ҳам термоқдалар. Шифокорлар вақтида кўрсатаётган ёрдамлари билан беморлар дардини енгиллаштириб, уларни яна пахта йиғим-теримида қатнашишларига кўмаклашмоқдалар.

Ҳ. АЛЛАЕВ.

Хўжалигимизда асосан уруғлик пахта етиштирилади. Шунинг учун фақат аъло сифатли уруғлик пахта тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. А. Қиличев, Ж. Худойназаров, С. Қиличев, С. Отажонов раҳбарлик қилаётган ўнлаб бригадаларда терим суръати кун сайин кутарилмоқда. Бригадалар, механизаторлар, теримчилар ўртасидаги мусобақа меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳар бир бригада, ҳар бир механизатор, ҳар бир теримчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллик юбилейи шарафига шахсий социалистик мажбуриятлар қабул қилиб ишламоқда. Кўпчилик бригадаларда кунига йиллик планнинг 8-12 процентн миқдорида пахта тайёрланмоқда. 450 теримчи кўпмингкилограммчилар сафига қўшилиб меҳнат қилаётир.

Қўл терими билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Колхозимизда 12 терим агрегати икки сменада юксак унум билан ишлатилаётир. «Зангори кема» билан мавсумда 360 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олган Сапарбой Бердиев, Султон Очилов, Тоир Қабулов каби дала гвардиячилари смена давомида 8-10 тоннадан «оқ олтин» териб пешқадамлик қилмоқдалар.

Илғор бригадалар, механизаторлар, теримчиларни рағбатлантириш мақсадида колхоз правлениеси, партия комитети кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар ташкил этган. Илғорлар ҳар беш кунда пул мукофотлари ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланмоқда. Биз бу йил ҳам 1150 гектар майдондан 1045 тонна уруғлик чигит тайёрлаб беришимиз керак. Далалардаги ҳосилни чамалаб, планда белгиланганидан анча кўпроқ уруғлик чигит тайёрлашни мўлжаллаб турибмиз.

Мен раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш учун курашяпитлар.

Собир ҚУРБОНОВ,
Эллиққалъа районидаги «Қирққизобод» колхози бригада бошлиғи.

Тошкент

ҲАР МИСҚОЛИ ЗАР

БУГУНГИ КУНДА БИЗНИНГ БИТТА ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — МАМЛАКАТ ОЛДИДА БИТТА МАСЪУЛИЯТИМИЗ БОР: У ҲАМ БЎЛСА ПАХТАДИР.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Шу куннинг қаҳрамонлари

ПОЛВОН БРИГАДИР

Фарғона

Бугунги кунда барчанинг ва ҳар бир кишининг аҳиллик билан қилган зарбдор меҳнатигина ишнинг муваффақиятини таъминлайди, мўл ҳосилни ёғин-сочин бошлангунга қадар йиғиб-териб олиш имконини беради.

Шундай бир шароитда пахта тайёрлаш суръатларини ошириш, мавсумнинг ҳар бир кунидан, ҳар соатидан энг кўп самара билан фойдаланиш бош вазифадир.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Шу йил эрта баҳордаги курултойда: «Биз — Норхол Қурбонова, Олтиной Шерова, Маҳбуба Насриддинова, Ҳасан Мухторов, Аҳмад Алимқулов.. каби машъал пахтакорлар билан фахрланамиз. Бундай бригада бошлиқларига шон-шарафлар бўлсин, офарин» дейилганида бирданига 2300 дан зиёд одам қарсак чалган эди. Ўшанда, полвон бригадир Аҳмад Алимқулов ҳам мўйловини силаб, олдинги қаторда ўтириб, мақтовни ўз қулоғи билан эшитганди.

Мана орадан етти ой ўтди. Жўжани кузда санайдиган кунлар келди. Осмонга туташ пахтазорларда илғорлар мусобақаси, йиғим-терим авжида. Хўш, ўшанда пахтакорлар анжумани тўрида ўтирганларнинг бугунги ишлари қандай экан, деган ўйда далага чиқдик. Баралла айтиш мумкинки, аъло даражада, ҳаммаси планларни областда, республикада биринчи бажаришиб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишяпти.

Одатда, ёзувчилар оппоқ далаларни денгизга ўхшатишади. Бироқ, полвон бригадир Аҳмад Алимқулов даласи ундаймас. Ўркач-ўркач довонлар худди ям-яшил ороллардек кўзга ташланади. Пахтазорлари шунчалик қияликки, у бошидан футбол тўпини ташлаб юборсангиз эгатлар этагигача юмалаб бораверади. Пуштаҳарни айтмайсизми, ғужғуж тош-шағал. Шундай жойда пахта унганига ҳайрон қолади киши. Бригаданинг 52 минг сўм сарфлаб қурилган дала шийпони атрофидаги 50 та чинор, 600 туп анор, 200 туп ўрикни айтмайсизми? Тут кўчатининг ўзидан 65 минг туп... Чоғроқ полизда қовун-тарвузлар думалаб ётибди. Полвон-тош адрининг нақ белида ана шундай ажойибот! Кўрмаганлар, афсона дегулик...

Довон этагидан пахтазор ёқалаб бир отлиқ биз томонга кела бошлади...

— Полвон бригадиримиз, — деди колхоз раиси отдан тушган ўрта бўй, қорачадан келган кишини бизга таништириб жилмаяркан, — Қишин-ёзин этик ечмай дала кезиб юради.

У бир қўлида от жиловини тутган ҳолда биз билан кўришди. Бу кунлар тиғиз, энг долзарб дамлар эмасми, суҳбатимиз ҳам савол-жавоб қабилида бўлди.

— Гап бирликда, ҳамжиҳатликда, — деди бригадир. — Адрга сув чиқариб қилган деҳқончилигимиз шу. Ҳаммаси бригада аъзоларининг фидокорона меҳнати, ука! Дастлабки йили пахта майдони ўн беш гектар эди, ҳозир етмиш гектар. Биринчи йили гектар бошига 13 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил 55 центнердан бўлади...

Бор гап шу. Аслида эса текис, унумдор ерларга қараганда адр бағридаги меҳнат шароити ўн ҳисса ортиқ. Бу ерда тупроқ қуруқ, чигит ўз намига чиқмайди. Яна водийда қуёш тиғи шу ерларга тушади. Бу қияликларда терим машинаси юролмайди, пахтанинг ҳаммаси қўлда терилади. Бригадир эса қийинчиликларни писанд қилмагандек, ҳавога қараб лом-лим демай, нуқул далага тикилади. Далага шошилади. У ерда бўлса чевар теримчилар Анорхонлару Қизлархонга тараф йўқ. Бригадада етти тоннадан кам терадиган теримчини топиш қийин, ҳаммаси илғор.

—Лекин, бизга—дейди полвон бригадир бир оз сукут сақлагач,—ҳосилнинг сифатига қараб ҳақ тўлаш масаласи мойдек ёқади. Чунки, қўл терими ўз қўлимизда, бирорта ҳашарчи керакмас, пахтани сифатли топширамиз. Бир сўз билан аъло меҳнати, мўмай даромади ҳам ўзимизники, қўйнидан тушса қўнжига деб, шунга айтадилар-да.

Полвоннинг бригадаси ҳар йили пахта қизил карвонида биринчи боради, планни эса баъзи жойларда ҳали терим бошланмасданоқ бажариб қўяди. Уэи айтмаса ҳам биламиз: мукофотга енгил машина олганини, Ленин ордени, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, қатор медаллар билан тақдирланганини. У биз билан хайрлашаркан, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди:

— Бу йил баҳор об-ҳавоси биз — пахтакорларни эркалатиб қўймади. Ҳўп синовдан ўтказди... Мана, энди куз ҳам хархашасини бошламоқчи. Лекин биз бўш келадиганлардан эмасмиз, ҳар қандай шароитда ҳосилнинг ҳаммасини йиғиб-териб оламиз, увол қилмаймиз, — деди.

Ҳа, бизнинг полвон бригадир каби планини дўндириб, мажбуриятини ҳам қойиллатаётган азаматларни бутун бутун республика олқишламоқда!

Б. МАҲМУДОВ,
Қува районидаги Димитров номли колхоз.

Тошкент область, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида тўкилган пахтани териб олаётган подборчилар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Пахта пунктларида қад кўтараётган тонна-тонна хирмонлар чаноқларидаги граммлардан кўкка бўй чўзяпти. Ёши саксонларга бориб қолган Назир ота ҳар сафар мана шу пахта хирмонларини кўрганда:

— «Менинг ердан териб олган бир чигит пахтам ҳам бу тарамларга бўй беряпти, — дейди. Худди мана шу сўзни Назир отанинг шогирдлари Турғунали Турдиалиев, Жонибек Мўминбеков ва бошқа подборчилар мағрурланиб айтишади.

— Тонг саҳардан ишга тушаман. Шудринг вақтида айниқса ажрикка, ўтларга ёпишган пахтани териб олиш ўнгай бўлади. Қуёш қиздира бошлагандан сўнг катта йўлга чиқаман. Бир кунда 15—20 километр йўл босиб, 10—15 килограмм ерга тўкилган пахтани тераман, — деб ҳикоя қилади 12-бригада подборчиси Турғунали Турдиалиев.

Колхоз далаларида, кенг асфальт йўлларда тўкилган пахталар учун яшиклар қоқиб қўйилган. Бу яшиклар вақти-вақти билан подборчилар томонидан тозаланади. Ўқувчилар, йўловчилар ҳам тўкилган пахталарни мана шу яшикка солишади.

Яқинда колхоз назоратчилари бригада пахта далаларини текшириб чиқишди. Ҳамма подборчилар ўз вазифаларини ҳалол бажарганликлари туфайли эгатларда, йўлларда бир мисқол ҳам тўкилган пахта кўринмади.

Р. ИСҲОҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

РЕПОРТАЖ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини ҳақли равишда умумхалқ университети деб атайдилар. Турли кўриклар ва тематик кўргазмалар, касблар бўйича учрашувлар ташкил этганлиги туфайли виставка шундай баҳога сазовор бўлди.

Кўргазмадаги барча экспозициялар социализмнинг олий мақсади — совет халқининг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришнинг сўзсиз ҳаётга татбиқ этилаётганини кўрсатади.

Мамлакат Бош виставкасининг асосий мақсади — илмий-техника тараққиёти, мамлакатимиз халқ хўжалиги эришган ютуқлар, партия съездлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг нутқларидан келиб чиқадиган қонида ва кўрсатмаларни актив пропаганда қилишдир.

Томошабинлар учун 79 павильон ўз эшикларини очиб қўйган, уларда 100 мингдан ортиқ экспонат — машина, станок, асбоб-ускуналар, механизмлар, приборлар ва аппаратлар мужассамлашган.

Ўзбекистон экономикасининг ривожига бағишланган стенд олдида томошабинлар ҳамиша гавжум.

— Ўнинчи беш йилликда республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 27 процент, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ўртача ҳажми 25 процент, миллий даромад 29 процент ўсди. Ўн биринчи беш йилликда республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 28-31 процент, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўртача ҳажмини 17-19 процент ўстириш мўлжалланган, — дея ҳикоя қилади павильон экскурсоводи Н. Некрасова.

Бу ерда ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 5 процент, миллий даромад — 4,5 процент ўсишидан огоҳ бўлиш мумкин.

«Техника экинлари» павильонида одамлар айниқса кўп, бу ерда техника экинлари ҳосилдорлигини оширишда иттифоқдош республикаларнинг ютуқлари, шунингдек, пахта, қанд лавлаги ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишнинг илғор тажрибаси акс эттирилган.

Павильонда Туркманистон, Тожикистон ва Озарбайжондан келган меҳмонлар кўпчилик. Уларнинг ҳаммаси мамлакат энг яхши пахтачилик хўжаликларининг тажрибаси билан қизиқардилар.

«Ўзбекистон мамлакат пахтасининг 65 процентини етказиб беради. Чигит экиладиган майдонлар Совет ҳокимияти йилларида 1913 йилдаги 429 минг гектардан 1980 йилда 1.877 минг гектаргача кенгайди» — дейилади стендлардан бирида.

— Биз энг яхши пахтачилик хўжаликлари билан танишишни истаймиз. Тажишиқни нимадан бошлашни маслаҳат берасиз? — экскурсовод О. Палчевскаяга мурожаат қилади тожикистонлик меҳмон Д. Жабборов.

— Мана, марҳамат қаршингиздаги стенд Самарқанд области колхоз ва совхозларининг ажойиб ютуқларини ва иш тажрибаси билан таништиради, — маслаҳат берди экскурсовод.

— Самарқанд области хўжаликлари ютуқларини икки йилдан бери энг яхши кўрсаткичлар сифатида намойиш қиляпмиз, — тушунтиради павильон методисти Г. Протопенко.

Бунда Самарқанд областидаги пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш бўйича илғор хўжаликлардан бири — Пахтачи районининг иш тажрибаси ва ютуқлари очиб берилган. Пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш пахта ҳосилини юксалтиришни таъминлайди. Тўққизинчи беш йилликда бу районда ҳосилдорлик 12600 гектар майдоннинг ҳар гектарига ўрта ҳисобда 36 центнердан тўғри келган бўлса, 1980 йилда 12700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46,8 центнердан ҳосил олинди.

Павильонда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги умумиттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га киритилган, 1980 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари бўлган илғор хўжаликлар билан танишиш мумкин. Улар орасида ҚҚАССРнинг Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз, Бухоро область Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ва Ўзбекистоннинг бошқа илғор хўжаликлари бор.

«Ҳурмат тахтаси» саноат майдонида жойлашган. Унинг устида В. И. Ленинниинг «Биз коммунистик меҳнат ғалабасига эришамиз» деган сўзлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Биз чорвачилик шаҳарчасида ҳам бўлдик. Кўплаб илғор хўжаликлар қатори Самарқанд областининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Нурота» наслчилик заводи ютуқлари билан ҳам танишдик. Ўтган йили заводда 35834 дона қоракўл тери ишлаб чиқарилган бўлиб, бунинг 92 проценти биринчи сортга топширилган, 171 тонна жун, 563 тонна қўй гўшти етиштирилди. Қоракўлчиликдан келган даромад 1976 йилдаги 12,8 минг сўмдан 568 минг сўмга етди. Ўнинчи беш йиллик давомида 1934,8 минг сўм даромад олинди.

Стендлардан бири техника ижодкорлиги, рационализаторлик ва ихтирочиликни ривожлантириш бўйича 1980 йил якунларига кўра энг яхши билим юртларига бағишланган. Улар орасида Тошкент шаҳридаги 11-техника билим юртини кўрамиз. Бу ерда бизни Тошкентдаги 14-ҳунар-техника билим юртининг техника ижодкорлиги тўгарагида тайёрланган икки қаторли вертикальшпинделли пахта териш машинаси билан таништирдилар.

Тошкентдаги 124-техника билим юрти ўқувчиларининг қўллари билан яратилган кўп каналли телевизон минора ўзига хос тарзда бажарилган.

Таклиф ва мулоҳазалар дафтарида ёш ҳамюртларимиз шаънига бағишланган кўплаб ёзувларни ўқиш мумкин. Бу бизни қувонтиради, албатта.

«Богдорчилик ва узумчилик» павильонида богдорчилик ва узумчиликда юксак муваффақиятларга эришган 1980 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатлари, шунингдек энг яхши мутахассислар тажрибаси кўрсатилган.

Мамлакат Бош виставкасининг яна кўпгина павильонларида Ўзбекистон эришган ютуқлар билан танишиш мумкин, аммо бир кунда барча павильонларни айланиб чиқиш амри маҳол. Лекин шуни қувонч билан айтиш мумкинки, кўргазма павильонларини кўздан кечирар экансиз, КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

М. БОБОХОНОВ,
Москва шаҳри.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Тропинкилар. Бадиий фильм 1—2-серийлар. 12.50 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.30 — Қувноқ стартлар. 17.15 — ЯХДнинг мил лий байрамига бағишланган кинопрограмма. 18.00 — Халқ ижодиёти. 18.45 — Биз ВДНни қурапмиз. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Фан оламида. 20.25 — Қора учбурчак. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». Танаффус пайтида дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — 12.05 — Немис тили. 10.35—11.35 — Жамиятшунослик. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 12.35—13.35 — Умумий биология. 13.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 14.05 — Ҳаёт ва ижод саҳифалари. 14.55 — Табиатшунослик. 15.15 — Беш киллик — ешлигим менинг. 2 кўрсатув. 16.00 — География. 16.30 — Ўқув кўрсатуви. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.00 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 21.15 — Тунгинг хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қора кийикка йўл. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 11.30 — Химия. 12.00 — Реакторга йўл. 12.30 — Химия. 13.00 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 13.40 — Ладварлик овчи. Бадиий фильм. 18.20—Тенгдошларинг ижодидан. 18.50 — Февзи Алиев қўшиқлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Турмуш ва маданият. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Театр шарҳи. 23.40 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ-II. 18.05 — Тикланиш. Телефильм. 18.40 — Эстетика асослари. 19.50 — Арат қўшиқлари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.00 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV-программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ёш ижрочилар концерти. 9.35 — Ҳўжамбердиев қўшиқлари. 10.15 — КПСС XXVI съезди ривожланаган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.15 — Студентлар ва ёшларнинг талабаларига биноан концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Коммунистлар таклифи. 14.00 — Сабзавотчилар беш йиллик вахтасида. 19.25 — Т. Ражабов ижро этади. 20.50 — В. И. Ленинниинг «Октябрь революциясининг тўрт йиллигига» мақоласининг 60 йиллигига. 21.00 — Пахтазор илҳомлари. 21.20 — «Оқ олтин» мадҳи. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15 — Дам олиш соатида.

ҲАВО САЁҲАТЧИЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

1981 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН 1982 ЙИЛ 15 МАЙГАЧА БЎЛГАН ДАВР УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРГА БИЛЕТЛАР БАҲОСИ 50 ПРОЦЕНТ КАМАЙТИРИЛДИ

— биринчи жаҳон, ғражданлар, Улуғ Ватан урушининг инвалидларига; улар билан тенг ҳуқуққа бўлган кишиларга кўрсатиб ўтилган биринчи группа инвалидларини бирга олиб юрувчи кишиларга;

— йўлланма билан санаторийга келувчи 15—17 ёшгача бўлган ўсмирларга;

— граждан авиацияснининг олий ва ўрта ўқув юртлари студентлари ва курсантларига, аспирантларга, шунингдек Граждан авиацияси академиясининг қўмондон ва штурман факультетларининг тингловчиларига (ўқув формасидан қатъи назар).

1981 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН 1982 ЙИЛ 15 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН ДАВР УЧУН

— ишламаётган меҳнат инвалидларига;

— ёшлигидан инвалид, давлат пенсияси ёки маҳаллий бюджетдан нафақа олувчиларга;

— интернат уйларда тарбияланувчиларга;

— пенсалар ва нафақалар, интернат уйларида яшовчи ва давлат томонидан тўла равишда таъминланаётган кишиларга;

— чегирилган ҳуқуқдан фойдаланувчи биринчи группа инвалидларини бирга олиб юрувчиларга (бир кишидан ошмаслиги керак).

1981 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН 1982 ЙИЛ 15 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН ДАВР УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРГА БИЛЕТ НАРХИ 30 ПРОЦЕНТ КАМАЙТИРИЛДИ

— ВЦСПснинг туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий Совети йўлланмаси билан саёҳатга чиқаган туристларга;

— «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси йўлланмаси билан саёҳатга чиққан туристларга;

— олий ва ўрта махсус билим юртларининг кундузги бўлимларида ўқувчи студентларга;

— ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларининг ўқувчиларига;

— олий ўқув юртлари қошидаги тайёрлов факультетларининг кундузги бўлимлари тингловчиларига;

— 12 ёшдан катта бўлган мактаб ўқувчиларига;

— мажбурий хизматдаги ҳарбийларга;

— корхона ва ташкилотлар заявкалари билан экскурсияга чиққан ишчи ва хизматчилар (15 кишидан ортиқ) группаларга;

— билим юрти заявкаси бўйича экскурсияга чиққан олий ўқув юртлари, техникумлар ва мактабларнинг ўқувчилари (15 кишидан ортиқ) группаларига.

ИМТИЁЗЛИ БИЛЕТ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ КЎРСАТИШ КЕРАК:

инвалидлар—СССР темир йўли бўлиб камайтирилган нархда сайр этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисида муҳр босилган пенсия ҳужжати; студентлар, ўқувчилар, аспирантлар—студентлик ёки ўқувчилик билети, 1981—1982 ўқув йилига мўлжалланган аспирантлик гувоҳномаси, тайёрлов бўлимининг тингловчилари — тингловчилик билети, ҳарбийлар — ҳарбийлар олиб юрувчи ҳужжат.

Экскурсиячилар группалари учун — корхона, муассаса, ўқув юртларининг уч нусхадаги группалар аъзолари рўйхати ва заявкаси, паспорт, студентлик ёки ўқувчилик билетлари, туристлар учун — ВЦСПС ёки «Спутник» бюроси берган йўлланма, имтиёзли сайр этиш учун берилган транспорт талони ва паспорт.

Арзон баҳодаги билетлар рейсда учалиган газотурбинали самолётларга (ЯК-40 ва Л-410 бундан мустасно), шунингдек шу самолётлардан ЯК-40, Л-410 самолётларига ўтишга ва поршенли самолётга ўтишга ҳар икки томонга берилади.

Улуғ Ватан урушининг инвалидларига, улар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган кишиларга, кўрсатиб ўтилган биринчи группа инвалидларини бирга олиб юрувчиларга хамма типдаги самолётлар учун имтиёзлар берилади.

Имтиёзли авиабилетлар аэрофлотнинг ҳамма кассаларида билет сотишнинг умумий муддатида, яъни учишдан олдин 15 кун илгари сотилади.

Имтиёз бериш шартлари тўғрисида граждан авиацияснининг исталган аэропортидан (ҳаво йўли агентлиги) ахборот олиш мумкин.

56—06—17 ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СПРАВКАЛАР БЕРИЛАДИ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/ҲДа Келинлар кўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/ҲДа Олифта, 15/ҲДа Тошкентнинг нозанин маликаси.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва Давлат цирки артистлари гастролдари. Халқаро конкурс лауреати МАНСУР ТОШМАТОВ иштирок этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи институт катта илмий ходими М. Аҳмедовга ўғли

НОДИРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Халқлар дўстлиги ордени «Ўзбекистон» нашриёти КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилишга бағишланган халқ хўжалиги, фан, маданиятнинг турли соҳаларига оид қўйидаги брошюраларни нашрдан чиқарди:

а) «КПСС XXVI съездиматериаллари — оммага» сериясидан.

Турсунов Ҳ. КПСС XXVI съездининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти.

Лунин Б. В. КПСС — совет халқининг авангарди.

Юсупов Э., Туленов Ж. Совет жамиятини социалсиёсий ҳамда маънавий ривожлантириш.

Никитченко В. С. Социалистик турмуш тарзи асосларининг мустаҳкамланиши.

Искандаров И. Ривожланган социализм шароитида КПССнинг иқтисодий сиёсати.

Ҳидоятов Г. Тинчлик ва ҳамкорлик программаси. Совет давлатининг ташқи сиёсати.

б) «Партия режалари — ҳаётга» сериясидан.

Шайхов Э. Т. Ривожланган социализм даврида КПССнинг аграр сиёсати.

Усмонов С. Н., Ризаев М. Т. Ўзбекистонда аграрсаноат комплексининг ривожланиши.

Турсунмуҳамедов С. Советлар мамлакати социалсинфий структурасининг ривожланиши тўғрисида.

Шарипхўжаев М. Халқ фаровонлиги ва маданиятни ошириш — партиянинг олий мақсади.

Ҳикматов О., Юсупов Н. КПСС XXVI съезди саноат, транспорт ва алоқани ривожлантириш тўғрисида.

Брошюралар ўзбек ва рус тилларида кўпминг нусхада нашр этилди.

СПОРТ

ГТО КЎПКУРАШИ:

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

«Комсомольская правда» газетаси соврини билан ГТО комплексининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган СССР VIII чемпионати мусобақалари якунланди. Бу финал баҳсларида кучлилик, чаққонлик кўригига айланди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу мусобақаларда 50 миллиондан ортиқ спортчи қатнашди. Молдавия ССР пойтахти — Кишинёв шаҳридаги финал баҳсларида энг кучлиларгина қатнашди.

Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Кўпгина спортчилар юксак натижа кўрсатишди. Жумладан, Ўзбекистон терма командасининг вакили Галина Рахметова беллашувларда юқори натижа кўрсатди. У 100 метрга югуришда маррага ҳаммадан олдин етиб келди. Унинг натижаси 12,5 секунд.

Чаққонлиги, мусобақага яхши тайёргарлик кўрганлиги туфайли Галина Рахметова катта ютуққа эришди. Шуниси қувончлики, Чирчикдаги Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг комсомол-ёшлар бригадасида меҳнат қиладиган бу ёш спортчи ҳамкасабалари — қизларни ҳам спорт билан ошно бўлишга чорлайди.

ГТО кўпкурашн мусобақаларида РСФСР спортчилари ғолиб чиқдилар. Украиналиклар иккинчи ва ленинградликлар учинчи ўринни эгаллашди. Ўзбекистон терма командаси спортчилари эса 13-ўринда.

ЧИМ ХОККЕЙ:

«АНДИЖАНЕЦ» — БРОНЗА МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Чим хоккей бўйича олий лига эркаклар командалари ўртасида мамлакат чемпионати совриндорлари аниқланди. Чемпионатда муваффақиятли қатнашган Олмаотанинг «Динамо» командаси биринчи ўринни эгаллади. Динамочилар Самарқанд спартакчиларини 2 бан (1:1) учрашдилар. Натижада 61 очко тўплаб, мамлакат чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди. Свердловсклик армиячилар иккинчи ўринни эгаллашди.

Андижоннинг «Андижанец» командаси чим хоккейчилари бу йилги чемпионатда катта ютуққа эришдилар. Улар СССР чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлишди.

ШАШКА:

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Самарқандда халқаро шашка бўйича «Сўғдиёна атиргуллари» хотин-қизлар Бутуниттифоқ турнири якунланди. Мусобақаларда кўпгина моҳир спортчилар қатнашди. Жумладан, шашка юлдузларидан жаҳон ва СССР чемпиони Ольга Левина (Харьков), хизмат кўрсатган спорт мастери москвалик Елена Михайловская ва бошқалар қатнашдилар. Турнирда Зоя Садовская (Минск), Алла Аграновская (Харьков) ва Ольга Левина бир хил очко тўплашди. Улар 13 имкониятдан 8,5 тадан очко жамғаришди. Коэффициентлар жадвалига кўра 19 ёшли А. Аграновская биринчи, З. Садовская иккинчи, О. Левина учинчи ўринни эгаллади. Турнирда самарқандлик Белла Эстерлис билан Лиля Ибрагимова олдинги ўринликдан жой олиб, мастерлик нормативини бажаришди.

ШАХМАТ:

ПАРТИЯ КЕЧИКТИРИЛДИ

Италиянинг Мерано шаҳрида ўтаётган жаҳон шахмат тожи учун курашаётган «Анатолий Карпов билан даъвогар Виктор Корчной ўртасидаги матчда бешинчи партия бошланди. Бунда Карпов қора доналар билан ўйнаяпти. Учрашувнинг 45-юришида ўйин кечиктирилди. Кеча кечкурун партия давом эттирилди.

ҚИШЛОҚ ЦЕХИНИНГ МАҲСУЛОТИ

Назарбек посёлкасида барпо этилган ихтисослаштирилган цех ёрим дудланган ва дудланган колбаса маҳсулотлари чиқара бошлади. У бир кечаю кундузда икки тонна маҳсулот бера олади. Корхона Тошкент область, Калинин район матлубот союзининг чорвачилик комплекси яқинига қурилган. Бу комплексда қорамол ва чўчқалар парвариш қилинмоқда. Колбаса маҳсулотларининг дастлабки туркуми райондаги қишлоқ савдо тармоқларига жўнатилди.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

НИКОСИЯ. Кипрда Қўшма Штатларнинг нейтрон қуроли ишлаб чиқараётганлигига қарши мурожаатномага имзо тўплаш бошланди. Унга нейтрон бомбага ва қуролланиш пойгасига қарши кураш Кипр комитети имзо тўпламоқда.

Бизлар — мурожаатномага имзо чеккан кишилар, дейилади ҳужжатда, АҚШ маъмуриятининг нейтрон қуроли ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисидаги қарорини қоралаймиз ва уни инсониятни ядро ҳалокатига дучор қилувчи қарор деб ҳисоблаймиз. Тинчликка олиб борувчи фақат биргина йўл — халқаро кескинликни юмшатиш, музокаралар олиб бориш ялпи ва батамом қуролсизланиш йўлидир. Ҳар бир кишининг, барча халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик ҳуқуқи гаранитияланиши зарур. Нейтрон қуроли ишлаб чиқарилишига йўл қўймаслик зарур, деб таъкидланади мурожаатномада.

ТЕҲРОН. Эрон пойтахтида икки қаватли автобуслар қатнови жорий этилмоқда. Шаҳар транспорт бошқармаси «ислом қонунларига риоя қилиш»ни таъминлаш мақсадида шундай қарор қабул этилганлигини хабар берди. Эркакларга автобусларнинг фақат юқори салонида қатнашга рухсат берилган, хотин-қизларга эса қуйи салон ажратилган. (ТАСС).

ҚОҲИРА. Садат ўлдирилгандан кейин фавқулодда хавфсизлик чоралари кўрилишига қарамай ўтган бир кечаю-кундузда Қоҳирада бир неча жиддий можаро рўй берди. Ғарб мухбирларининг маълумотларига қараганда якшанбага ўтар кечаси МАР ички ишлар министри Исмоилнинг Қоҳирадаги Мунҳандисин районида жойлашган қароргоҳига ҳужум қилинган. Ҳужум қилган кишилар соқчиларни автоматлардан ўққа тутганлар ва ғойиб бўлганлар. Соқчилардан бир неча киши ўлган. Яна шу манбалардан олинган маълумотларга кўра Қоҳирадаги икки полиция участкасига ҳужум қилинган. Пойтахтнинг Шубра районида полиция билан шаҳар масчитларидан бирида ўрнашиб олган бир гуруҳ кишилар ўртасида тўқнашув содир бўлган.

Мисрнинг ҳукмрон миллий-демократик партияси органи — «Мао» газетасининг хабар қилишича, Асьют шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги қуролли тўқнашувлар вақтида полициячилардан 54 киши ўлган ва юздан ортиқ киши жароҳатланган.

Шундай қилиб Асьютда режимга қарши бўлган кишилар билан тўқнашув чоғида хавфсизлик ва полиция кучлари берган талафотлар илгари хабар қилинганидан анча кўп эканлиги биринчи марта расмий равишда тан олинди. Газетанинг ёзишича, режимга қарши намойишларда иштирок этган кишиларнинг сони 30 процентдан ошмаслиги керак.

МИСРДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

душман бўлган кишилар орасида кўп киши ўлган ва жароҳатланган. Аммо газета аниқ маълумотларни эълон қилмади.

НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Қоҳирадан берган хабарида Мисрда тартибсизликлар давом этаётганлиги тўғрисида ёзади. Кейинги кунлар мобайнида Қоҳирани ўзида Миср армиясининг 250 га яқин ҳарбий хизматчиси қамоққа олинди, деб ўқтиради газета.

ЛОНДОН. Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси Мисрда ҳарбий ва ғраждан кишилар қамоққа олинаётганлигини хабар қилиб, фитна шу пайтгача Қоҳирадаги ҳукумат тан олганидан кўра мамлакатда анча чуқур илдиз отган эди, деган хулосага келади.

ВАШИНГТОН. Мисрдаги воқеаларнинг ривожидан ташвишга тушиб қолган Р. Рейган маъмурияти ўзининг ҳарбий кучини намойиш этиш ёрдамида Миср халқига ошкора тазйиқ ўтказмоқда, ҳақиқатда унинг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқда. Давлат секретари А. Хейгнинг Эн-би-си телекомпанияси мухбири билан суҳбати бени яна бир карра кўрсатди. Суҳбат давомида у Вашингтоннинг Мисрдаги ва умуман Яқин Шарқдаги АҚШ қуролли кучларини кўпайтиришга қаратилган кенг программасини баён этиб берди.

АҚШ раҳбарларининг халқаро муносабатларда вазминлик қилиш тўғрисида неча марталаб берган баёнотларига мутлақо зид бўлган мана шу милитаристик ҳаракатлари программаси Вашингтоннинг Яқин Шарқда олисни кўзловчи гегемончилик мақсадларига хизмат қилишини Хейг яширмади ҳам. «Биз, — деди давлат секретари, — бу районда бундан буён ҳам раҳбарлик ролини ўйнайвериш ниятидамиз».

Хейгнинг айтганлари Рейган маъмурияти Миср халқининг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини писанд қилмай ташқаридан қўпол зўравонлик қилишга уринаётганидан дарак беради.

«Хейг Мисрга қилган сафари вақтида АҚШнинг региондаги қуролли кучларини кўпайтириш учун асос солади», — деб ёзади Эй-би-си телекомпаниясининг шарҳчиси. Рейган маъмуриятининг ҳаракатларини шарҳчи «Мисрни АҚШ йўлидан чиқармаслик ниятининг исботи, деб баҳолади. (ТАСС).

ГРЕЦИЯ: САЙЛОВ АРАФАСИДА

18 октябрга тайинланган умумий сайлов арафасида Грециянинг миллий парламенти президент К. Караманлис декретига мувофиқ тарқатиб юборилди. Мамлакатда сайловолди кампанияси кенг авж олди. Греция бундан бўён ҳам НАТОда ва Европа Иқтисодий ҳамжамиятида аъзо бўлиб қолаверадими, деган асосий масала геварагида қизғин кураш бошланди. Мамлакат бу жамиятга шу йил 1 январда аъзо бўлиб кирган эди.

Ҳукмрон синфнинг манфаатларини кўзлаётган Греция ҳукумати Европа Иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришдан олдин, бу чора барча иқтисодий иллатлардан қутказади, деб айтган эди. Аммо ўтган ойлар ана шу ҳамжамиятга аъзо бўлиш кескин социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга ердам бермай, бу проблемаларни янада кескинлаштириб юборганлигини кўрсатди. Лондонда «Экономист» ҳафталигида босилган маълумотларга кўра, Грецияда инфляция суръатлари қозирги вақтда 24 процент жадаллашди, ташқи савдо балансининг камомати ортиб боряпти. Саноатнинг масалан, оғир машинасозлик каби баъзи тармоқлари умуман маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиши мумкин. Тўқимачилик саноати ва миллий экономиканинг бошқа анъанавий соҳалари катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Ишлаб чиқариш потенциалининг бешдан бир қисмидан фойдаланилмаётир.

Грециянинг қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол яхши эмас. Субтропик мева ва сабзавот, тамаки ва пахта — Греция фермерлари етиштираётган маҳсулотнинг асосий қисмидир. Мамлакат гўшт, сут ва маккажўхорини Европа Иқтисодий ҳамжамияти белгилаган ва жаҳон бозорларидаги нархлардан ортиқ бўлган нархларда сотиб олмоқда. Греция Европа Иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлганлиги натижасида мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб борялти. «Европа Иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиш оқибатлари мамлакатнинг экономикасига салбий таъсир кўрсатса керак», — деб ёзади «Экономист» ҳафталиги.

Ана шу масалаларнинг ҳаммаси Греция жамоатчилигини ташвишга солиб қўйди. Мамлакатда Европа Иқтисодий ҳамжамиятидан чиқиш йўлидаги ҳаракат Греция Компартиясининг раҳбарлигида кенгайиб боряпти. Ҳозирги ҳукмрон буржуа партияси — «янги демократия»нинг асосий рақиби бўлган энг йирик оппозициячи Греция социалистик ҳаракат партияси сайловда ғалаба қозонган тақдирда мамлакатнинг «Умумий бозор»да бундан бўён аъзо бўлиб туриши тўғрисидаги масала юзасидан референдум ўтказамиз, деб ваъда беряпти.

Греция Социалистик ҳаракат партиясининг раҳбари Андреас Папандреу янги демократик партиясининг ҳукумати капиталистларга ва Грецияда иш кўраётган чет эл корпорацияларига кўл келадиган иқтисодий йўлни ўтказиб келмоқда, бу йўл греклардан кўпчилигининг манфаатларига зарар етказади, деди. Папандреунинг сўзларига қараб хулоса чиқарганда, у ҳокимият тепасига келган тақдирда туб ислоҳотларни амалга ошириш ниятида эмаслиги аён бўлиб қолади.

Ташқи сиёсатга келганда шуни айтиш керакки, Греция социалистик ҳаракат партияси НАТОдан чиқиш тарафдори бўлиб, Америкаиинг Греция территориясидаги ҳарбий базаларини тугатишни талаб этмоқда. Ана шу партиянинг раҳбарлари орасида бу масалада ва ташқи сиёсатга доир бошқа бир қанча масалаларда жиддий ихтилофлар бор.

Греция коммунистлари барча масалаларда изчил ва аниқ позицияда турибдилар. Коммунистларнинг сайловолди программаси механизмни ҳалқнинг аҳволини тубдан яхшилаш, демократияни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларида жиддий ислоҳотларни амалга оширишни кўзда тутади. Греция Компартияси Грециянинг НАТО ва Европа Иқтисодий ҳамжамиятидан чиқиб кетиши жуда зарур ва Грециянинг ана шу гуруҳларда аъзо бўлиб туриши мамлакатнинг суверенитетига путур етказади ҳамда миллий манфаатларга зиддир, кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳаётий манфаатларига зарар етказиб, мамлакатда халқаро монополияларнинг мавқеини кучайтиради, деб уқтирмоқда. Коммунистлар ишчилар ва бошқа меҳнаткашлар қимматчиликнинг авж олганлигидан азоб чекаётганлигини қайд этмоқдалар. Кейинги уч йил ичида реал иш ҳақи тахминан 25 процент камайди. Ишсизлар сони кўпайиб боряпти. Расмий маълумотларга қараганда ҳам шу йилнинг етти ойи мобайнида ишсизлар сони 30 процентдан зиёд ортган.

Греция коммунистлари мураккаб шароитда сайловолди курашини олиб бормоқдалар. Буржуа оммавий ахборот воситалари «қизиллар томонидан хавф бор» деб содда кишиларни чўчитишга уриниб, коммунистларга қарши кампанияни кучайтириб юбордилар. НАТО мамлакатларининг, аввало, АҚШнинг пропаганда воситалари бу соҳада буржуа матбуотини кенг қўллаб-қувватламоқда. Ғарб матбуоти «янги демократия партияси»ни сайловда маглубиятга учраган тақдирда Ғарб мамлакатлари иқтисодий, молиявий ва бошқа хилдаги ёрдамни тўхтатиб қўяди, деб Грецияга тахдид қилмоқда, мамлакатда «бекарорлик пайдо бўлади» ва хатто ҳарбий тўнтариш рўй бериши мумкин, деб гап сотмоқда.

Грецияни НАТО ҳарбий ташкилотига қайтарган «янги демократия» партияси ҳозирги кунда мамлакатнинг ана шу агрессив блокда аъзо бўлиб туришидан жамоатчилик норози эканлигини эътиборга олиб, найранг ишлата бошлади. Жумладан, ҳукумат Грецияда Америка ҳарбий базаларининг статуси ҳақида Вашингтон билан тузиладиган янги битимни сайлов ўтказилишига қадар имзолашдан воз кечди. АҚШ бир неча ой танаффус билан давом этган музокаралар вақтида энг қулай шарт-шароитларга эга бўлиш, жумладан, Греция территориясидаги ўз базаларининг ишини тўла-тўкис назорат қилиб туриш учун ўринни кўрди. Аммо қудратли норозилик ҳаракати янги битим гузилишига халақит берди. Лекин шунга қарамай, бу масала кун тартибидан олиб ташланган йўқ. Греция ташқи ишлар министри К. Мицотакис «биз сайловдан кейин мамлакатдаги базалар режими ҳақида яна музокара бошлаймиз ва бу масала юзасидан тузиладиган янги битимни имзолаймиз» деди. Аммо «янги демократия» раҳбарларининг келажакка мўлжалланган режаларни ҳозирнинг ўзидаек тузиб чиқишларига эҳтиёж йўқ. Грецня социалистик ҳаракат партияси сайловдан сайловгача тобора кўп куч тўпламоқда», янги демократия партиясининг обрў-эътибори пасайиб бормоқда. Ҳозирги кунда ҳар икки партия сайлов натижаларига бир хил даражада умид боғлаши мумкин. Лекин кейинги вақтларда жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатилган саволларга олинган жавоблар Грецня социалистик ҳаракат партияси бу сайловда ғалаба қозониши мумкин эканлигини кўрсатади.

Ю. УСТИМЕНКО.
(ТАСС).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53